«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби" директори;
_____________З.Шовриков

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Янгиобод МФЙда жойлашган "Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби" биносида бажариладиган жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

## 1. Умумий маълумотлар

| | |
|---|---|
| **1.1** . Буюртмачи | "Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби" |
| Манзил: | Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани |
| Директор: | З.Шовриков |

**1.2.** "Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби"нинг энг яхши таклиф танлаш комиссияси томонидан пудратчи ташкилот субъекти аниқланади.

**1.3.** Танловнинг максимал қиймати: жами кўрсатилган хизмат учун Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби биносида бажариладиган жорий таъмирлаш хизмати билан 75 800 372 сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

**1.4.** Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган хизматлар тури техник топшириқ иловада рус тилида келтирилган.

## 2. Танлов мақсади.

**2.1.** "Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби" биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича

## 3. Танлов иштирокчилари.

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

## 4. Ижрочига бўлган талаб.

**4.1.** Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши, “Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби” биносида жорий таъмирлаш ишларини бажариши лозим.

**4.2**. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаши лозим.

**4.3.** Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари;

- Мавжуд техникалар, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот;

- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги тўғрисида ҳужжатлар.

**4.4**. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкродлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган.

**4.5.** Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;

- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

## 5. Бошқа шартлар.

**5.1**. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳар ойнинг 5 санасига қадар ўтган ой учун ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

**5.2**. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Илова

Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

| Хизмат тури | Хизмат сони |
|---|---|
| Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Янгиобод МФЙда жойлашган “Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби” биносини жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи корхонани саралаш бўйича | Жорий таъмирлаш |